

ТУРЛИ ТОЛАЛАР ВА ИККИЛАМЧИ МАТЕРИАЛ РЕСУРСЛАРИДАН ОЛИНГАН ТҮҚИМАНИНГ ТЕХНОЛОГИК КҮРСАТКИЧЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ

Исаева Махфузা Хамидовна

катта ўқитувчи

Toishkent týkýmачилик ва енгил саноат институти

Аннотация: ушбу мақолада турли толалар ва иккиламчи материал ресурслар арлашмасидан олинган түкималарнинг технологик кўрсаткичлари синов лабораториясидаги замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида аниqlанди.

Калим сўзи: танда ва арқоқ бўйича зичлиги, нисбий зичлик, максимал зичлик, түкиманинг юза зичлиги

ИЗМЕНЕНИЕ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ТКАНЕЙ ИЗ РАЗЛИЧНЫХ ВОЛОКОН И ВТОРИЧНЫХ МАТЕРИАЛЬНЫХ РЕСУРСОВ

Исаева Махфузা Хамидовна

ст.препод.

Tashkentский институт текстильной и легкой промышленности

Аннотация: в данной статье определена технологические свойства тканей, полученных из смеси различных волокон и вторичных материальных ресурсов, были определены с использованием современного оборудования в испытательной лаборатории.

Ключевые слова: плотность по основе и по утку, относительная плотность, максимальная плотность, поверхностная плотность ткани

CHANGING THE TECHNOLOGICAL INDICATORS OF FABRICS FROM VARIOUS FIBERS AND SECONDARY MATERIAL RESOURCES

Isaeva Makhfuzha Khamidovna

great teacher

Tashkent Institute of Textile and Light Industry

Abstract: in this article, the technological parameters of fabrics obtained from a mixture of various fibers and secondary material resources were determined using modern equipment in a testing laboratory.

Keywords: warp and weft density, relative density, maximum density, surface density of the fabric

Тұқимачилик корхоналарыда ишлаб чиқарилаётган қайтимлар миқдори турлыча бүлгап тұқималар ассортименти турли туман бўлиб, улар тузилиши, тола таркиби ва хусусиятлари билан бир-биридан фарқланади. Ундан ташқари, бу тұқималар мавсумга қараб ишлаб чиқарилади. Мавсумий қайтимлар миқдори турлыча бүлгап тұқималарнинг карда ва қайта тараш усули билан олинган иплардан ишлаб чиқарилади.

Тұқималарнинг тузилиши танда ва арқоқ ипларининг ўзаро ўрилиши ва алоқаси билан белгиланади. Тұқималарнинг ташқи кўриниши, хоссалари ва нимага ишлатилиши унинг тузилишига боғлик бўлади.

Тұқималарнинг тузилишини ифодаловчи кўрсаткичларидан бири зичлиги бўлса, иккинчиси уларнинг ўрилишидир. Тұқиманинг зичлиги унинг узунлик бирлигига, одатда, 100 мм га тўғри келадиган иплар сони билан белгиланади. Агар тұқиманинг танда ва арқоқ бўйича зичлиги бир-биридан фарқ қилса бундай тұқималар зичлиги нотекис тұқима деб аталади. Бир-бирига тенг бўлса, зичлиги бир текис тұқима деб аталади. Одатда тұқималарда танда бўйича зичлиги арқоқ бўйича зичлигига қараганда каттароқ бўлади. Лекин, баъзи тұқималарда аксинча ҳам бўлади.

Тұқималарнинг зичлиги кенг миқёсда ўзгарувчан бўлади. Бир хил зичликдаги тұқималарнинг иплари қанча ингичка бўлса, тұқима шунча сийрак бўлади, яъни унинг иплар билан тўлдирилиши кам бўлади.

Тұқималарнинг зичлиги уларни ишлатилиш мақсадларига қараб турлыча бўлади. Масалан, тұқиманинг зичлиги ортиши билан унинг узилиш кучи, ҳаво ўтказувчанлиги ва ишқаланишга чидамлилиги ортиб кетади. Ундан ташқари, тұқиманинг тола таркиби ҳам унинг хусусиятига турлича таъсир кўрсатади. Шу сабабли, қайтимлар миқдори турлыча бүлгап иплардан олинган тұқималарнинг технологик кўрсаткичлари тадқиқ этилди ва олинган синов натижалари 1-жадвалда келтирилган.


1-жадвал

Қайтимлар миқдори турлыча бўлгап иплардан олинган тұқималарнинг технологик кўрсаткичларининг ўзгариши

т/р	Тұқиманинг тола таркиби	Зичлиги, н/дм		Юза зичлиги, г/м ²
		танда	арқоқ	
1.	Танда или 100% пахта толасидан ва ароқоқ или 90% вискоза толаси+10% пахта толали иккиласмчы материал ресурсларидан олинган	320	220	288,9
2.	Танда или 100% пахта толасидан ва ароқоқ или 25% вискоза толаси+25% пахта толали иккиласмчы материал ресурсларидан олинган	300	200	293,2
3.	Танда или 100% пахта толасидан ва ароқоқ или 90% лавсан толаси+10% пахта толали иккиласмчы материал ресурсларидан олинган	290	200	303,6
4.	Танда или 100% пахта толасидан ва ароқоқ или 80% лавсан толаси+20% пахта толали иккиласмчы материал ресурсларидан олинган	286	200	280,6
5.	Танда или 100% пахта толасидан ва ароқоқ или 85% вискоза толаси+15% пахта толали	340	200	272,8


	иккиламчи материал ресурсларидан олинган			
6.	Танда или 100% пахта толасидан ва арқоқ ипи 80% вискоза толаси+20% пахта толали иккиламчи материал ресурсларидан олинган	280	190	271,3

Тадқиқот натижалари асосида қайтимлар микдори турлича бўлган тўқималарнинг танда ва арқоқ бўйича зичлиги, юза зичликларининг ўзгариши 1 ва 2-расмларда гистограмма кўринишида берилган.



■-танда бўйича зичлиги; ▨-арқоқ бўйича зичлиги.

1-расм. Иккиламчи материал ресурслар микдори турлича бўлган тўқималарнинг танда ва арқоқ бўйича зичлигининг ўзгариши.



2-расм. Иккиламчи материал ресурслар микдори турлича бўлган тўқималарнинг юза зичлигининг ўзгариши.

Тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, 100% пахта толасидан ва ароқоқ ипи 90% вискоза толаси+10% пахта толали тикувчилик саноати иккиламчи материал ресурсларидан олинган тўқиманинг танда бўйича зичлиги 6,2% га, арқоқ бўйича зичлиги 9,1% га камаяди, юза зичлиги 1,5% га

ортади, танда ипи 100% пахта толасидан ва ароқоқ ипи 75% вискоза толаси+25% пахта толали тикувчилик саноати иккиламчи материал ресурсларидан олинган тўқиманинг танда бўйича зичлиги 9,4% га, арқоқ бўйича зичлиги 1,5% га камяди, юза зичлиги 4,8% га ортади, танда ипи 100% пахта толасидан ва ароқоқ ипи 90% лавсан толаси+10% пахта толали тикувчилик саноати иккиламчи материал ресурсларидан олинган тўқиманинг танда бўйича зичлиги 10,7% га, арқоқ бўйича зичлиги 1,5% га, юза зичлиги 2,9% га камаяди, танда ипи 100% пахта толасидан ва ароқоқ ипи 80% лавсан толаси+20% пахта толали тикувчилик саноати иккиламчи материал ресурсларидан олинган тўқиманинг танда бўйича зичлиги 5,9% га ортади, арқоқ бўйича зичлиги 1,5% га, юза зичлиги 5,6% га камаяди, танда ипи 100% пахта толасидан ва ароқоқ ипи 85% вискоза толаси+15% пахта толали тикувчилик саноати иккиламчи материал ресурсларидан олинган тўқиманинг танда бўйича зичлиги 5,9% га ортади, арқоқ бўйича зичлиги 1,5% га камаяди, юза зичлиги 5,6% га камаяди ва танда ипи 100% пахта толасидан ва ароқоқ ипи 80% вискоза толаси+20% пахта толали тикувчилик саноати иккиламчи материал ресурсларидан олинган тўқиманинг танда бўйича зичлиги 12,5% га, арқоқ бўйича зичлиги 13,6% га, юза зичлиги 6,1% га камаяди. Бундан кўриниб турибдики, танда ипи 100% пахта толасидан ва ароқоқ ипи 90% вискоза толаси+10% пахта толали тикувчилик саноати иккиламчи материал ресурсларидан олинган тўқиманинг танда ва арқоқ бўйича зичлиги, танда ипи 100% пахта толасидан ва ароқоқ ипи 90% лавсан толаси+10% пахта толали тикувчилик саноати иккиламчи материал ресурсларидан олинган тўқиманинг юза зичлиги бошқа вариантдаги тўқималарнинг кўрсаткичларига нисбатан юқори эканлиги аниқланди.

Тўқиманинг зичлиги муҳим аҳамиятга эгадир. Тўқимада иплар сони қанчалик кўп бўлса, унинг ҳаво ўтказувчанлиги паст бўлади, узилиш кучи ва ишқаланишга чидамлилиги ортади. Тўқималарнинг зичлиги қайси мавсум учун мўлжалланганлигига боғлиқ бўлади.

Олиб борилган тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, тикувчилик матолари иккиламчи материал ресурслари микдори турлича бўлган иплардан олинган тўқималарнинг танда бўйича зичлиги 6,2% дан 12,5% гача, арқоқ бўйича зичлиги 1,5% дан 13,6% гача камайганлиги ва юза зичлиги 1,5% дан 9,1% гача ортганлиги аниқланди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- 1.<http://advantex.uz/uz/caitme-2017>.
- 2.https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/tuqimachilik_va_tikuv-trikotaj_sanoati_qanday_qullab-quvvatlanadi.
- 3.Башков Александр Павлович. Разработка ресурсосберегающих технологий переработки текстильных отходов для производства нетканых материалов: диссертация ... доктора технических наук : 05.19.02 / Башков Александр Павлович; [Место защиты: Иван. гос. текстил. акад. (ИГТА)]. - Иваново, 2007. - 338 с.

4. Петканова, Н.Н. Переработка текстильных отходов и вторичного сырья Текст./ Н.Н. Петканова, Д.Г. Урумова, В.П. Чернев; под ред. А.М. Чельышева. -М.: Легпромбытиздан, 1991. 240 с.

5. Чиркин Р.Н. Машины для переработки текстильного вторсырья Текст./ Р.Н. Чиркин // Курьер. 2002. - №7. - С. 5-6.